

Суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг (кейинги ўринларда – суд аппарати ходимлари) касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари суд ҳокимияти органларида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида суд ҳокимиятига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда суд аппарати ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

2. Суд аппарати ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

конунийлик;

Ватанга садоқат ва касбига фидойилик, юкланган мансаб вазифаларини тўлиқ бажариш, меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

адолатлилиқ, ҳалоллик ва холислиқ;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

3. Суд аппарати ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда ҳуқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

суд ҳокимияти обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда судга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

4. Суд аппарати ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Олий суд Пленуми ва Раёсатининг қарорларига, Олий суд раисининг буйруқ ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Суд аппарати ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса суд аппарати ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Суд аппарати ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Суд аппарати ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

2-боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

7. Суд аппарати ходимлари:

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намоён қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор хатти-ҳаракатларни амалга оширишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффофликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, суд ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги,

асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, судья ва суд аппарати ходимлари ҳамда бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкнинг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкidan фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

8. Суд аппарати ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

3-боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

9. Суд аппарати ходимлари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмийчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори турувчи суд ва суд раҳбариятининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларга бирон-бир шахс, гуруҳ ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

суд аппарати ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳукукбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан кўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

фуқаролар ва ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, туҳмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

меҳнат ва ижро интизоми, ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

меҳнат жамоасида ҳамкасбларининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

10. Раҳбар ходимлар қуйидагиларга мажбур:

бўйсунувдаги суд аппарати ходимларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

суд аппарати ходимларини қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

суд аппарати ходимларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

суд аппарати ходимлари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги суд аппарати ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига ҳолис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

11. Раҳбарлар бўйсунувидаги суд аппарати ходимларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбеҳ бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

4-боб. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

12. Суд аппарати ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

13. Суд аппарати ходимлари ишдан ташқари вақтда қуйидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари суд ҳокимияти органи фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва ҳавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

ўзи фаолият юритган суд ҳокимияти органлари ҳамда суд аппарати ходими номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

5-боб. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга оид қоидалар

14. Суд аппарати ходимлари Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда қонунчилик, умумқабул қилинган ахлоқ нормалари ҳамда ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши шарт.

15. Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда суд аппарати ходимлари қуйидагиларга мажбур:

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

суд фаолиятига оид масалаларда, хусусан, кўрилаётган ишлар, суд қарорлари ёки тергов жараёнлари юзасидан фикр, муносабат билдирмаслик, муҳокама қилмаслик, шунингдек эълон қилинган контентларга изоҳ қолдирмаслик;

ҳуқуқий маслаҳатлар бермаслик;

хизматга оид маълумотларни, суд биноси, хизмат хоналари, суд жараёни ёки иш ҳужжатлари акс этган фото ва видеоматериалларни шахсий саҳифаларга жойлаштирмаслик, учинчи шахслар билан улашмаслик ёки жонли эфир орқали трансляция қилмаслик.

6-боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

16. Суд аппарати ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, қонунчилик доирасида судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

17. Суд ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар иш берувчи ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

- 18.** Қуйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:
 оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки судлар фаолиятига алоқадор бўлмаса;
 оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;
 оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.
- 19.** Жамоатчилик томонидан судлар фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, судлар унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

7-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари

- 20.** Суд аппарати ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг суд ҳокимияти фаолиятига ҳурматини, шу жумладан судлар нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.
- 21.** Суд аппарати ходимларининг ташқи кўриниши хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг судга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

8-боб. Манфаатлар тўқнашуви

- 22.** Суд аппарати ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.
- 23.** Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда суд аппарати ходимлари ички идоравий ҳужжатларда белгиланган тартибда бу ҳақида хабар бериши шарт.

9-боб. Суд аппарати ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш

- 24.** Суд аппарати ходимларини хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш иш берувчи томонидан амалга оширилади.
- 25.** Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

10-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

26. Суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат кадрлар билан ишлашга масъул бўлган таркибий бўлинма (масъул ходим) ва Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан амалга оширилади.

27. Янги ишга қабул қилинган суд аппарати ходимлари кадрлар билан ишлашга масъул бўлган таркибий бўлинма (масъул ходим) томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.

28. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича иш берувчининг буйруғига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

Хизмат текширувини ўтказиш тартиби қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатлар билан белгиланади.

11-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

29. Суд аппарати ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

30. Одоб-ахлоқ комиссияси суд аппарати ходимига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида иш берувчига тақдимнома киритиши мумкин.

12-боб. Якунловчи қоидалар

31. Одоб-ахлоқ қоидаларида акс эттирилмаган масалалар юзасидан вужудга келган муаммоли вазиятлар қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

32. Одоб-ахлоқ қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Одоб-ахлоқ комиссиялари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини тартибга солади. Одоб-ахлоқ комиссиялари (кейинги ўринларда – Комиссия) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментида ташкил этилади.

2. Комиссия тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларининг (кейинги ўринларда – суд органлари) бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари (кейинги ўринларда – суд аппарати ходимлари) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Олий суд Пленуми ва Раёсатининг қарорларига, Суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган судья ва суд аппарати ходимлари киритилади.

Комиссия таркиби:

Ўзбекистон Республикаси Олий судида – Олий суднинг судья ва суд аппарати ходимларининг умумий йиғилишида;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида – вилоят ва унга тенглаштирилган, туманлараро, туман, шаҳар судлари судьялари ва суд аппарати ходимларининг умумий йиғилишида;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида – вилоят ва унга тенглаштирилган ҳамда туманлараро маъмурий судлар судьялари ва суд аппарати ходимларининг умумий йиғилишида;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида – ҳарбий судлар судьялари ва суд аппарати ходимларининг умумий йиғилишида;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментида – марказий аппарат ва ҳудудий бўлимлар ходимларининг умумий йиғилишида **очик овоз бериш** йўли билан сайланади ва **доимий асосда** фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш;

суд аппарати ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг суд аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

суд аппарати ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида суд органлари раҳбарлари ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади;

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига экспертлар ва мутахассисларни жалб қилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан суд аппарати ходимларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича суд аппарати ходимини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан иш берувчига таклиф киритади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

7. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

8. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

9. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

10. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қилади, шунингдек мажлисининг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

11. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

12. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказади;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

суд органларининг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади.

13. Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, суд аппарати ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

14. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга; қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқиладиган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

15. Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

16. Комиссия мажлисида кўриладиган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

4-боб. Суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

17. Комиссия суд органларининг кадрлар билан ишлашга масъул таркибий бўлинма (масъул ходим) билан биргаликда мунтазам равишда суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

суд аппарати ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

суд аппарати ходимларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намояндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда учрашувлар ташкил қилиб бориш;

суд аппарати ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш чораларини кўриш;

суд аппарати ходимларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган суд аппарати ходимларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;

суд аппарати ходимларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

18. Комиссия суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган йиллик иш режалари асосида олиб боради.

19. Суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан суд органларининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

Суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

5-боб. Суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

20. Комиссия суд аппарати ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

иш берувчининг топшириғига кўра;

судья ва суд аппарати ходимлари, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан кўриб чиқади.

21. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида ўзига нисбатан масала кўриб чиқиладиган суд аппарати ходими, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

22. Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

иш берувчининг топшириғи ёки суд аппарати ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган суд аппарати ходими ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

23. Суд аппарати ходими ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

24. Мажлис якуни бўйича Комиссия суд аппарати ходимининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

25. Комиссия суд аппарати ходимиға нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун иш берувчига тақдимнома киритиши мумкин.

26. Комиссия томонидан қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

аноним мурожаатлар;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

27. Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган суд аппарати ходимиға ва суд аппарати ходимининг иш берувчисига ёзма равишда маълум қилади.

28. Комиссиянинг қарори устидан иш берувчига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

29. Суд аппарати ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

30. Тарафлар ярашган, шунингдек суд аппарати ходими ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин.